

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага қўтаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, таҳлиллар қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қондаларини кенг жорий қилишга, рақобатни ривожлантиришга, янги субъектларнинг инновацион қондалар, ишланмалар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўққонлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни очиб берди. Хусусан:

биринчидан, шаҳарсозлик фаолияти, лойиҳа ва пулрат хизматлари бозори, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари комплекс таҳлил қилинмаган, оқибатда ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва истикболли йўналишлари белгиланмаган;

иккинчидан, архитектура ва қурилиш органларининг ташкилий-штар тузилмаси қурилиш ва реконструкция жараёнини тўлиқ қузатиб боришни таъминлаш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатини самарали назорат қилиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар этишга имкон бермаётган;

учинчидан, архитектура ва қурилиш органлари функцияларининг тарқоқлиги ҳамда улар фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги ҳамда улар фаолиятга соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва самардорлигини таъминламаётган;

тўртинчидан, қўшма аҳоли пунктларининг бош режалари мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс қуришга, ишлаб чиқариш ва инфра-тузилма объектларини жойлаштиришга, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, қурилиш жараёнида

пукта ўйланмаган қарорларни қабул қилишга сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар анча эскирган ҳамда уларда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг инновацион услубларини, энергия самардор ва энергия тежайдиган технологияларини кенг қўллаш эътиборга олинмаган, бу эса лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектларни қуриш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, қурилиш ишларини ташкил этиш, инновацион қондалар ва ишланмаларни жорий қилишда айрим ҳолларда тор идоравий манфаатнинг устунилик қилиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланмаслигининг сабабларидан бири ҳисобланади;

еттинчидан, қурилиш соҳаси ва қурилиш материаллари саноатида истикболли инвестицион лойиҳаларни, инновацион қондалар, ишланмалар ва технологияларни илгари суриш ва амалга оширишда, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаётган;

саккизинчидан, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими архитектура-қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш вазибаларини самарали рўёбга чиқаришга имкон бермаётган, кадрларни моддий рағбатлантириш даражасининг пастлиги эса малакали мутахассисларнинг тизимдан кетиб қолишига олиб келмоқда.

Архитектура-қурилиш соҳасини бошқаришнинг шаҳарсозлик фаолиятга инновацион қондалар, ишланмалар ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини берувчи замонавий тизимни яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида **Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси **Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси**;

Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази **Қурилишда стандартлаштириш республика маркази** этиб қайта ташкил қилинсин.

3. Қуйидагилар:

қурилиш соҳасида тегишли фаолият турларини лицензиялаш функциясини Вазирликка ўтказган ҳолда **Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги **Шаҳарсозлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш маркази**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги **Қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази** тугатилсин.

Белгилансинки, Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда 1-иловада назарда тутилган лицензияларни беради.

4. Қуйидагилар Вазирлиқнинг асосий вазибалари этиб белгилансин: шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сисёбатни олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-мон-

таж ишлари қийматини қамайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия самардор ва энергия тежайдиган инновацион лойиҳа ва қарорларни қурилиш фаолиятга жорий этиш;

республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш;

шаҳарсозлик соҳасида давлат сисёбатининг асосий йўналишлари бўйича тақдирлар тайёрлаш, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг узок муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармок ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;

лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-қидирув ташкилотларининг иш самардорлигини ошириш ва ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, яққа тартибдаги, намунавий, тақдоран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгиллаш, идоравий қурилиш норма ва қондаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш;

архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан, чет элдаги етақчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўмақлаштириш.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафакат киргиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва озоишталлиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган «Ўзбек иши», «пахта иши» каби ноҳақ сисёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат қуйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини қатта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳаммиса миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ижодкорнинг давлатимиз томонидан «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йилор намояндалари билан яқин дўст ва иждоий ҳам-

кор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунасидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадийи мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эгулик қондаларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган барқамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетда ташкил этилган «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзининг ноёб истисёдоли ва жўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлиқни, адабий-маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

2

Бунёдкорлик

Йўловчилар учун яна бир қулайлик

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидида муҳим ўрин тутувчи темир йўл тизимида амалга оширилаётган янги лойиҳалар юксак самаралар бермоқда. Зеро, замонавий дунёда темир йўл транспорти давлат иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўл ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда.

3

Муносабат



Бир келиб кетинг қишлоқимизга...

Қишлоққа борганимда ўзимни енгил ҳис этаман, ширин хотиралар тафти, яқинларимнинг меҳридан ғуборларим тарқаб кетгандек бўлади. Қишлоқда туғилиб, шаҳарда яшаётганлар буни жуда яқин ҳис этишади. Соқин, айни пайтда меҳр-муҳаббатга лиммо-лим ҳаёт, соқда ва самимий одамлар, бунёдқори табиат бўлган гўзал манзара, энг муҳими, замину инсоннинг уй-ғўнлиги азалдан ҳимматлар бешиги бўлиб келган.

Дарҳақиқат, Ватан ичра қичик ватан бўлган мўъжазгина қишлоқнинг юракларга жо этган таассуротлари бутун умрга татигулки.

Аммо қишлоқларимизга меҳмон ёқин сайёҳ эмас, ўша ерда яшовчи инсон сифатида нигоҳ ташласак, гўзал таассуротларимизга бир қадар соя солгувчи ҳолатлар ҳам учраб, қўнғил бироз хира тортади. Мисол учун айтсак, қишлоққа 10-15 йилдан кейин борганимизда ҳам қатта ўзгаришларни кўрмайсиз. Аксинча, бир қадар файз кетгандек туюлади. Бу нимадан далолат? Олис ҳудудлардаги аксарият қишлоқларимизда яшаш ва ишлаш учун етарли шароитлар мавжуд эмас. Қўшимча иш ўринларининг яратилмагани, ичимлик сувидан тортиб, табиий газ таъминотидаги муаммолар аҳоли норозилигига сабаб бўлаётганини кўриб-билиб туримиз.

Албатта, сўнгги йилларда қишлоқларимизни янада обод қилиш, янги иш ўринларини ташкил этишда тизимли ишлар амалга

оширилмоқда. Қишлоқ массивларида янги лойиҳалар асосида уй-жойлар бунёд этиш, у ерларда шаҳардагидан қолишмайдиган шароитларни яратиш борасида саъй-ҳаракатлар эътиборга молик. Қўлаб аҳоли масканларида янги мактаб ва шифохоналар қурилиб, йўллар таъмирланаётгани, чирой очаётгани ҳам бор гап. Бирок ушбу жараён қишлоқ аҳли эктиёжларини тўлақонли қондирга олаётганими? Оқини, яқин-яқингача бу саволга қоникарли жавоб бериш бироз мушкул эди.

Жорий йил 29 март қуни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги Фармон қайд этилган муаммоларга муносиб жавоб бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Унда мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмокли демографик, меҳнат ва иқтисодий салохият жамланганига қарамасдан, улар учун зарур шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмагани қайд этилгани ҳолда бу борда тизимли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

2

Малакали кадрлар

муносиб шарт-шароитда
камол топади

— Беш йилдан бунён ўқишга қиролмагандим, — дея гап бошлади ўтган йили Чирчик давлат педагогика институтига Аниқ ва табиий фанлар факультети биология ўқитиш методикаси йўналиши бўйича қабул қилинган парикентлик Зулайхо Юлдашева. — Ёшлигимдан ўқитувчи бўлишни дилимга тўққандим. Аммо, ҳар гал институтга киришимга 4-5 балл, бир сафар эса 0,3 балл етмай қолган. Президентимизнинг қарорига биноан Чирчикда янги институт ташкил этилгани тўғайли оразум ушадди.

3

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида 2 апрель қуни Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) бош директори Уильям Свинг бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ТАШКИЛОТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Унда ХМТнинг Марказий Осиё бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчиси Деян Кесерович, Марказий Осиё бўйича мувофиқлаштирувчи офисининг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича дастурий ҳодими С.Тошбоев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги вакиллари иштирок этди.

ХМТ бош директори У.Свинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар дунё микёсида ижобий баҳоланаётгани, хусусан, 26-27 март қуналари «Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклиқ» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтганини қайд этди. Ўзбекистоннинг меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва одам савдосига қарши қу-

рашиш бўйича ҳуқуқий механизмларни амалга оширишга қаратилган муваффақияти алоҳида таъкидланган ҳолда, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси юксак баҳоланди.

Учрашувда мигрантларга ёрдам кўрсатиш, миграция оқимини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ўзбекистон билан ХМТ ўртасидаги муносабатлар муҳокама қилинди. 2016 йилдан бунён Ўзбекистонда одам савдоси ва экстремизмга қарши қурашиш соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Тадбирда мамлакатимизнинг ХМТга қўшилиш масаласи бўйича фикр алмашилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси мақкур халқаро

ташкилот аъзоси бўлмаган ҳолда, ХМТ томонидан ўтказилаётган лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. ХМТга аъзо бўлиш мамлакатимизга ташкилотта аъзо давлатлар билан қўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик қилиш учун кенг салохиятга эга бўлиш имконини беради.

ХМТ бош директори бутунги қунада мақкур нуфузли ташкилотта аъзо бўлиш бўйича ҳуқуқий асос тайёрланаётгани тўғрисида хабардор қилинди. Ўз навбатида, Уильям Свинг Ўзбекистонни ташкилотта қабул қилиш бўйича ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканлини билдирди.

ХМТ делегацияси, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

41

5. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлик:

Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

махаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги юқори сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш бўйича дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида «Ўзқурилишматериаллари» АЖ фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққилланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

6. Қуйидагилар Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат бўйича инспекциянинг асосий вазифаларини этиб белгилансин:

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларга қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилиш, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва бўюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда юридик ва жисмоний

шахслар томонидан шахарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шахарсозлик норма, қонда ва стандартларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бўйртмачи техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари муаллифлик назорати олиб бориши устидан мониторинг ўтказиш.

7. Қурилиш-монтаж ташкилотлари рестрини юритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинсин.

Барча тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши доирасида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялашнинг қуйидагиларини назарда тутуви соддалаштирилган механизмни тасдиқласин:

лицензия шартномасини имзолаш заруратини бекор қилган ҳолда, аниқ ва тўлиқ лицензия талаблари ва шартларини;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширишнинг самарали механизмни;

моддий жавобгарлик ҳамда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни.

Вазирлик 2018 йилнинг охирига қадар 1-иловада назарда тутилган илгари берилган лицензияларнинг ушбу Фармон билан белгиланган лицензиялашнинг янги механизмни ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 1 июлга қадар муддатда аккредитация механизмни жорий этиш орқали, жумладан, аккредитация органининг мустақиллигини таъминлаш, субъектларнинг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибини белгилашни назарда тутган ҳолда, қурилиш соҳасида техник назоратга оид давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича тақлиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2018 йил 2 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

41

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида: «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва chop этиш; Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш ва бадиий фильм сурапта олиш;

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирита

адиб номини бериш;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-мактабда адиб бюстини ўрнатиш;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» мавзусида илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, харбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда танқити шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвир этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2018 йил 2 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

Бир келиб кетинг қишлоғимизга...

41

Дарҳақиқат, меҳнат қилиш учун имконият яратиб берилса, фаолияти ортидан яхши даромад қилса, ким ҳам ўзга шаҳарларда сарсон бўлиб юришни хоҳларди? Аксинча, ўзи туғилиб ўсган қишлоқда, қариндош ухмоқчиликларидан даврасида жавлон уриб ишлайди. Президент Фармонини айна қишлоқ аҳолисининг меҳнатига яраш муносиб яшашга замин яратди. Буни Жиззах вилоятидаги Манас қишлоғидан бошланг, мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган комплекс чора-тадбирлар ижроси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қисқа фурсатларда бутунлай янгича қиёфа касб этаётган қишлоқларда одамлар шуқрона келтириб, Президентимизни, ушбу хайрли ишлар бошида турган ташкилотчиларни дуо қилишмоқда.

Фармонга мувофиқ жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида, авваламбор, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштиришга ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратишга қаратилган «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилади.

Президентимизнинг «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам қамбул қилинди. Унга асосан эндиликда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, табиий газ ва электр энергияси таъминоти, қурилиш материаллари етказиб беришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу борада туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида махсус штаблар ташкил этилади. Мазкур хайрли ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида Республика комиссияси тузилиб, унинг асосий вазифалари белгиланган.

Шу тариқа улкан ижтимоий аҳамиятга эга, юртимиз тараққиётида муносиб ўрин тутувчи бемисл лойиҳага старт берилди. Бу юз минглаб оилалар, миллионлаб инсонларнинг ҳаётига, тақдирига таъсир этади. Уларда ён-атрофини обод қилишга, ишқоғ ва завоқ билан ишлашга иштиёқ уйғониши, муҳими, шуқроналик қийфатни қучади. Вагани билан, ҳар бир инсон эътиборда бўлган ҳалқи билан то маънода гурурали, шунга муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қилади.

Шу ўринда айни Фармон ва Қарор шарҳида келтирилган айрим рақамларга эътиборингизни қаратасан.

Биргина жорий йилнинг ўзида мамлакатимизнинг 174 та туманидаги 368 та маҳалла фуқаролар йилғини ҳудудларини комплекс равишда янгилаш чора-тадбирлари белгиланган. Дастурда, айниқса, 127143 та ўй-жойни таъмирлаш, уларнинг томини, ташқи қўрилиши, ён-атрофини обо-

донлаштириш ишлари алоҳида ўрин эгаллаган.

Шунингдек, минглаб километр тоза ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган ҳамда қишлоқ ички йўллари ва пилдлар йўлакларини барпо этиш ва тузиш, лизинг асосида замонавий автобуслар харид қилиниб, қишлоқ ва туман маркази орасида транспорт қатновини йўлга қўйиш ва ушбу йўналишларда юзлаб бекатлар барпо этиш назарда тутилган.

Электр таъминоти тармоқларини яхшилаш, аҳолини суюқтирилган газ билан таъминлаш ҳамда алоқа тизимини модернизация қилиш ишлари ҳам амалга оширилади. Яна бир муҳим жихати шундаки, болалар боғчаси, мактаб, оилавий поликлиникалар ва шу каби бошқа кўпжа ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, лаборатория ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Жойларда бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис, жумладан, ҳаммом ва кичик бозор шохобчаларини тадбиркорлик асосида бунёд этиш ҳам эътибордан четда эмас.

Қаранг-а, аҳоли эътиёблари: яхши яшаш, муносиб меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, яхши шайроғот... барча-барчасига режа асосида комплекс ёндашилган. Эндиликда бирор нарса харид қилмоқчи бўлсангиз ёки оддийгина бир ҳол — бошингиз оғриб қолса, туман марказига югуришингиз шарт эмас. Бекатларда соғлаб туриб қолмайсиз, раво йўллар узогингизни яқин қилади. Мактаб ёшигача ўз ҳолига қатта бўлаётган фарзандларимиз боғчаларга боришади. Болаларингизни ён-сончили соғуқ қуларни ҳам замонавий шароитларга эга мактабга ҳавопир олмадан жўната олсангиз. Электр энергияси ва табиий газда узиллишлар бўлмайди. Ёнг муҳими, ота-онанинг, оилангиз бағрида меҳнат қилсангиз... «Обод қишлоқ» дастурида булар инобатга олинган ва бу амалда, ёнимизда қол бераётти. Барчамизнинг ҳавасимизга, ҳайратимизга сабаб бўлаётти, қувонтираётти...

Бундай ўзгаришлар қишлоқ аҳолидан ҳам қатта масъулият талаб этади. Шунга яраша меҳнат қилиши, оддийгина томорқасидан унумли фойдаланиши, яхши таълим олиши, ўз соғлиғига, ён-атрофи озодаллиги ва ободлиғига мунтазам эътиборли бўлиши талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқда яшаётган ҳар бир инсон ижтимоий масъулият билан замонага мос қадам ташлайди, тараққиётни, ўзгаришларни ён-атрофида ҳис этибгина қолмай, уларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Бундан бун қишлоқлардаги меҳр-муҳаббат, самимийлик, болалар таассуротлари қатори, барча шароитлар муҳайё этилган обод манзиллар, табиатнинг бетакор манзаралари билан ўйнулашган бунёдкорликни қўриш истаги ҳам бизни оҳанграбодек қорайтиради. Ишонмасангиз, бир келиб кетинг қишлоғимизга!.

Акмал ТОШЕВ,
«ishonch» мухбири

Аграр соҳа

— Томорқа — ҳақиқий ҳазина, — дейди АСМ ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Матмуродов. — Бу давлатимизнинг халқимизга кўрсатган энг катта ҳимматларидан бири. «Ер элни боқади», деб бежиз айтишмаган. Томорқаси бор одам бадавлат одам, аслида.

Урганч шаҳридан Хонқа тумани томон бораркансиз, йўлнинг икки томонидаги боғларга кўзингиз тўшади. Кишин-ёзин бу ҳудуддан сархил меваларни харид қилишнинг мумкин. Шу кунларда эса қишлоқ аҳли дархат ва гул қўчатларини савдога чиқарган.

Суриштириб кўрсак, бу боғларнинг аксарияти Хонқа туманидаги «Гулистон» маҳалласи аҳолисига тегишли экан. 1100 га яқин хонадоннинг қай бирига қандам ранжида қилманг, гулга қирган мевали дараклар, униб чиқаётган қўчатлар, сабзавотлар кўзингизни қувнатади. Ал-лақачон қарам, помидор қўчатлари ўтказилган. Аксарият хонадонларда иссиқхоналар барпо қилинган. Чорваси, паррандаси йўқ оилаларни деярли учратмайсиз.

Омонбой Жуманиёзов ҳам ўтган йили «Миллий банк»нинг Хонқа филиалидан 6 миллион

400 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, иссиқхона қурди. Меҳр билан гул, помидор, бодринг эди. Шу кунларда етиштирган гул қўчатларининг савдоси кизгин.

— Помидор ва бодрингимиз

**ҲОЗИРГИ ПАЙТДА
ТОМОРҚАДАН
САМАРАСИЗ
ФОЙДА
ЛАНАЁТГАН
ФУҚА
РОЛАРГА
ФЕРМЕР,
ДЕҲҚОН
ХЎЖАЛИК
ЛАРИ
ВА
ТОМОРҚА
ЕР
ЭГАЛАРИ
КЕН-
ГАШЛАРИ
ТОМОНИ-
ДАН
ОҲОЛАНТИ-
РИШ
ХАТЛАРИ
БЕ-
РИЛГАН.**

ҳам ҳадемай ҳосилга қиради. — дейди Омонбой ака. — Уч йил муддатга олган муддатимизни ўтган йилнинг ўзида қайтарилганга муваффақ бўлдик.

Бирок ҳамма юртдошларимиз ҳам томорқадан самарали фойдалана

оляптими? Давлатимиз ғамхўрлигини сунистеъмол қилиб, томорқаларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар қамми? Афсуски, бу саволларга ҳар доим ижобий жавоб топиш мумкин.

Ган шундаки, вилоятдаги 249 та хонадоннинг томорқа майдонларидан самарасиз фойдалангани аниқланган. Шу сабабли

111 нафар томорқа ер эгаларининг 12,1 гектар ери ҳокимлик ер захира фондига қайтарилган. Бу хонадон соҳиблари бепарволик, эринчоқлик оқибатида ўзлари ва фарзандларининг ризкин қийди, дегани эмасми? — «Хосиён» маҳалласидаги хонадонларни ўрганиб юрган-

кир аканинг иккита забардаст ўғли чет элда. Хали олтиминчи ҳам қораламаган бу кишининг ишлаш хоҳиши йўқ. Ётиб еган афзалроқ шекилли... Ваҳоланки, «қўлда берганга қуш тўймас», дейдилар. Бир марталик моддий ёрдам олишдан кўра томорқадан самарали фойдаланиш афзалроқ

нафи тегмаслиги аниқ.

— Кеча бозорда бир кило помидор ва бодринг 30 минг сўмга харид қилдим, — дейди урганчлик Фуқаро Матвафоева. — Ахир, ўтган йили давлатимиз қанчадан-қанча фуқароларга айна иссиқхоналар учун имтиёзли кре-

КИМНИКИ БОҒ,

ёхуд томорқадан фойдаланиш



эмасми? Кафдек жойдан қатта даромад олаётганлар қанча.

Томорқасини ўз ҳолига ташлаб қўйган киши нафакат оиласи, балки бошқаларга ҳам

дитлар ажратган эди-ку? Бунинг натижасида ўтган йили шу кунларда помидорнинг нархи 10 минг сўм, бодрингники 5-6 минг сўм атрофида

Малакали кадрлар муносиб шарт-шароитда камол топади



«1 3. Юлдашева ўтган ўқув йилида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига хужжатларини топширган. Аммо бу сафар ҳам омади чолмай, талаба бўлишига 3 баллгина етмай қолган. Унинг бахтига Чирчиқда Тошкент вилоятида доимий яшаётган, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига хужжат топшириб «йиқилган», мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентларининг ўқишга қабул қилиниши унинг орзуси ушалишига имкон яратди.

Куни кеча талабаларга Наврўз совғаси сифатида Чирчиқ давлат педагогика институти янги ўқув биноси фойдаланишига топширилди. Унда илм маскани ўқитувчилари, ходимлар, талабалар, нуфузли олий таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари, Тошкент вилоятидаги таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Институт ректори Ғофиржон Мухамедов йиғилганларни қўшалоқ байрам билан табриклади. Ташриф буюрган меҳмонлар — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ходимлари сўзга чиқиб, институти илгор олий таълим муассасасига айлантириш ишида яқин ҳамкор ва елкадош бўлажаklarини билдирди.

Меҳмонлар янги ўқув биносидида ташкил этилган шароитлар, ўқув хоналари, спорт зали, анжуманлар зали билан яқиндан танишди.

Айтиш жоизки, мазкур таълим муассасаси Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этиш тўғри-

сида»ги қарори натижаси бўлиб, айни пайтда институтда 3 та аниқ ва табиий фанлар, педагогика, тарих, тиллар факультети ва уларнинг таркибида 6 та кафедра фаолият юритмоқда. Юздан ортик малакали профессор-ўқитувчилар кундузги бўлимининг 19 та таълим йўналишидаги 726 нафар, махсус сиртки бўлимининг 7 та таълим йўналишларидаги 837 нафар талабага таълим бермоқда. 82 та ўқув аудиторияси, замонавий жиҳозланган 3 та лаборатория хонаси, 3 та компьютер синфи, 200 ўринли талабалар турар жойи, 2 та 100 ўринли ошхона, 2 та ёпиқ спорт зали ва 3 та очик майдондан иборат спорт мажмуаси толиби илмлар ихтиёрида.


— Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилояти туманлари ва кишлоқларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқаро мезонлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш, шунинг-

дек, ёшларнинг олий таълим билан камрови даражасини ошириш имкониятини яратишда яна бир муҳим кадам бўлди, — дейди институт ректори Ғофиржон Мухамедов. — Шунингдек, Чирчиқ давлат педагогика институтининг махсус сиртки бўлимига бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши, мактабгача таълим, жисмоний маданият, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, мусика таълими, педагогика ва психология каби етти таълим йўналиши бўйича 837 нафар талаба қабул қилинди. Улар методик ва ўқув адабиётлар билан таъминланди.

— Ҳозир икки қарра хурсандман, — дейди К.Тиллабоев. — Биринчиси, шу даргоҳнинг илк талабаси бўлганим бўлса, иккинчиси, биз талабалар учун барча қулайликка эга ўқув масканининг фойдаланишига топширилганидир. Ўқув хоналари ёруғ ва шинам. Энг асосийси, ҳар бир хона таълим йўналиши бўйича замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган. Албатта, яратиб берилган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, келажақда ўз мутахассислигимиз бўйича етук кадр бўлиб, юртимиз равнақида ўз хиссамизни қўшиш ниятидамиз.

Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган бундай ўзгаришлар жамиятимиз равнақида ижобий таъсир қилиши шубҳасиз. Бу эса интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Бундан кўринадики, республикамизда таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги замон талаблари билан ҳамоханг тарзда амалга оширилаётди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.



эди. Бу йилги нарх-навоининг кимматлиги кредит олганларнинг ҳаммаси ҳам давлатимиз ишончини оқламаганидан далолат бермайдими?

Дарҳақиқат, бозор қонунияти шифатсиз. Қайси маҳсулот мўллиги, қайсиси эса тақчиллигини нарх-наводан билиб олиш мумкин.

20,8 гектар майдондан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бар-тараф қилинди.

— Томорка ерлари бўлган 15985,7 гектар майдонда кузги бошқоқ дон экилган, — дейди Хоразм вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси Б. Қувоков.

билан таъминлаш каби хизматлар кўрсатилади.

«Қарс икки қўлдан чиқади» дейди доно халқимиз. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган

гамхўрликдан самарали фойдаланиш ҳар бир томорка эгасининг ўзига боғлиқ. Ерни увол қилаётган, янгол-у ажрик бости-

КИМНИКИ ЯНТОҚ

ҳар кимнинг ўзига боғлиқ

Ўтган йилда тижорат банклари томонидан лимон етиштириш ва иссиқхона қуриш учун ажратилган имтиёзли кредитлар, қам даромадли оилаларга қорва ва паррандаларнинг берилиши, табиийки, иқтисодий имкониятларини янада кенгайтди. Бунга ми-соллар кўп. Бироқ, айрим фукароларнинг масъулиятсизлиги, «Кредитимни қайтардим, бўлди-да» қабилдаги ёндашувлари юртдошларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳозирда томоркадан самарасиз фойдаланаётган фукароларга фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари томонидан огоҳлантириш хатлари берилган. Айримларига тегишли ташкилотлар, маҳалла-қўй, тижорат банклари томонидан амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Натияжада 138 нафар томорка эгаларининг

— Шунингдек, 3113,4 гектар ерга иёз, 1638,4 гектарга қарам, 2011,2 гектарга сабзи, 4615,5 гектарга картошка ва бошқа махсулотлар ешқиб режалаштирилган. Бу йилдан бошлаб барча туманларда «Томорка хизмат» МЧЖлар фаолият бошлагани томорка эгаларига ҳукумати-мизнинг яна бир ёрдами бўлди. Ушбу ташкилот орқали аҳолига экин экиш, ерларга ишлов бериш, уруғлик, минерал ўғитлар

риб қўйган фукаро қўшниларининг боғларига бир қараб қўйса, ёмон бўлмас эди. Ишга уқувли маҳсулотнинг ҳовлиларида аллақачон дов-дарахтлар гуллади. Қўкатлар, сабзавотлар ниш ура бошлади. Буларни кўриб, зора айрим томорка эгалари қайғониб, қакраб ётган ерини сўғориш, нимадир экиш иштиёқи уйғонса...

Мухаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ўқиб, мағзини қаҳқан эсуда кўпчилик ўзи учун тегишли ҳулосаларни чиқариб олганига шубҳа йўқ. Бу эса кишлоқларимиз янада файзли, дастурхонимиз тўкин ва энг муҳими, бозорларимизни тўлдириб турган ноз-неъматлар янада ҳамёнбоп бўли-шини таъминлашга хизмат қилади.

Таҳририятга жавоб келди

«Ishonch» газетасининг шу йил 24 февраль 24-сониди «Кўчани сўпурмай қўйдик...» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Миробод тумани «Оқ уй» МФЙдаги Эски отчопар ва Бешкент кўчалари йўллари абгорлиги, бу ҳолат бир неча йиллардан буён аҳолига қийинчилик туғдириб келаётгани, муаммо мутасаддиларнинг эътиборидан четда қо-лаётгани қаламга олинган.

«Эски отчопар» янгиланади

Мақолада келтирилган важар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлашти-риш бош бошқармаси томонидан ўр-ганиб чиқилди. Маълум бўлишича, ушбу кў-

чаларни таъмирлаш ишларига Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимидаги «Транс-йўлқурилиш» ДУК пудратчи этиб белгиланган. Шунингдек, йил охиригача нафақат «Оқ уй»

МФЙдаги Эски отчопар ва Бешкент кўчалари, балки пойтахтимизнинг дастурга киритилган бошқа кўчаларида ҳам таъмирлаш ишлари якунига етказилади.



Йўловчилар учун яна бир қулайлик

Ўтган йиллар давомида минглаб километр янги темир йўл линиялари барпо этилди. Тошкент — Самарқанд — Бухоро, Тошкент — Қарши йўналишларида «Afrosiyob», «Registon», «Sharq» ва «Nasaf» тезювар поездлари катнови йўлга қўйилди. Тошкент марказий темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарларимиздаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди, таъмирланди, анги-лилари барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда катновчи поездларда кўрсати-лаётган хизматлар сифати замон талаблари даражасига кўтарилди.

Куни кеча мамлакатимиз темир йўл тизимида яна бир муҳим янгилик содир бўлди. Тошкент Жанубий вокзали тубдан рекон-струкция қилиниб, фойдаланишига топши-рилди. Маълумки, Тошкент Жанубий вок-зали биноси 1963 йилда қурилган бўлиб, 1985 йилда реконструкция қилинган. Ўтган вақт мобайнида вокзал фаолиятида узилиш-лар билан ишлаб турди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Жанубий вокзал замонавий ар-хитектура талаблари асосида тубдан рекон-струкция қилинди.

Буюртмачи «Ўзтемирйўлўловчи» АЖ, бош пудратчи «Qurlish Universal Kompakt Servis», бош лойиҳачи «Боштранслойиха» АЖ томонидан бу ерда амалга оширил-ган улкан бунёдкорлик ишлари халқимиз ўз кучи, салоҳиятига таяниб, қандай буюк ва бетакрор ишхоотлар барпо эта олишининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Вокзалнинг умумий майдони 9,2 гектар, 650 метрлик 3 та перрон мавжуд. Вокзал ҳу-дудлида диаметри 14 метрлик иккинчи замо-навий фаввора қурилган. Бу ёз қунари ҳу-дуддаги иклим мусофоллигини таъминлаб, йўловчиларга кўтаринки кайфият бағиш-лайди.

Вокзал бир вақтнинг ўзиди 500 йўлов-чига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлиб, бир кеча-кундузда 20 000 нафар йўловчи ку-тиб олинади ва кузатилади.

— Тошкент Жанубий вокзали ўз ишини жорий йилнинг 4 апрелидан бошлади, — дейди вокзал бошлиғи Шухрат Фозилов. — Бу ердан Тошкент — Урганч, Тошкент — Бухоро, Тошкент — Андижон, Тошкент — Қўнғирот, Тошкент — Термиз, Тошкент — Сарниосиё, Андижон — Бухоро, Андижон — Урганч, Ан-дижон — Термиз, Тошкент — Бухоро (Sharq), Тошкент — Термиз (Nasaf), Тошкент — Ан-дижон (O'zbekiston) йўналишлари бўйича по-ездлар жўнатилади ва кутиб олинади. Бундан ташқари, Тошкент — Хўжақент, Тошкент — Ховос, Тошкент — Бекobod, Тошкент — Сир-дарё, Тошкент — Гулистон каби шаҳарлараро катновчи йўловчи поездлар ҳам шу ердан ха-ракатланади.

Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш

мақсадида вокзал ҳудуди замонавий девор билан ўралган. Вокзал биноси, касса заи ва вокзал ҳудуди 170 та кузатув камераси билан таъминланган.

Вокзал биносидида йўловчилар учун жаҳон стандартларига мос шароит яратилган. Би-нода кутиш, VIP заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, меҳмонхона, дам олиш хо-налари, буфет, кўчма савдо нукталари, га-зета ва журналлар, WiFi интернет хизмати, электрон кутубхона, планшет хизмати, ширинликлар ва миллий совғалар сотиш шо-хобчаси, мобиль қурилмалар учун қувват-лантириш манбаи, электрон маълумотлар маркази ва таблоси, сайёҳлар зали ва замо-навий лифт мавжуд.

Кутиш зали кўргазма ва телевизион ахбо-рот воситалари билан жиҳозланган. Йўлов-чиларга бир суткада 100 нафарга яқин иш-чи-хизматчи хизмат кўрсатади.

Кутиш залида ҳаво ҳарорати меъёрини таъминловчи совутгичлар ўрнатилган. Чип-тахоналар вокзал ҳудудида жойлашган бў-либ, бир кеча-кундузда 5000 та чипта соти-лади, қўмладан, электрон чипталар рўйхат-дан ўтказилади.

— Одатда вокзал ва аэропортлар мам-лакат дарвозаси, остонаси ҳисобланади, — дейди тошкентлик Ёкутхон Қайомхўжаева. — Бу каби масканларнинг обод қилиниши бар-чага хуш кайфият бағишлайди. Мазкур вокзал-дан неча йиллардан бери тўлиқ фойдаланил-мас эди. Олиб борилган бунёдкорлик ишла-рини кўриб, одамнинг дили яйрайди. Вокзал олдида ўриндиқлар, фавворалар ўрнатилган.

Дарҳақиқат, бу ерда ким билан суҳбат-лашмайлик, барча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз те-мир йўл транспортини ривожлантириш, халқимизга транспорт хизмати кўрсатиш си-фатини юксалтириш ва уни энг ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш йўлида амалга оширилаётган ишлар юртимизда ин-сон манфаатларини таъминлашга қарати-лаётган доимий эътибор самараси эканини алоҳида таъкидлади.

Абу Бакр ЎРОЗОВ, ЎЗА мухбири



Инновацион технология

Излаган имкон топади ёхуд биоўғит энергияси

Ер юзиди энергияга бўлган та-лаб кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис анъанавий ўсулларга қў-шимча ҳолда ноанъанавий тур-даги энергия олишга ҳам эҳтиёж жўда юқори. Кўпгина мамлакат-ларда энергиянинг мўқобил тур-ларини излаш ва истеъмолга ки-ритиш йўлида илмий изланиш-лар амалга оширилаётгани айни ҳақиқат. Қуёш нури, шамол, ҳатто чиқиндилардан энергия олиш амалиётга кенг жорий этилаёпти.

Мукобил энергия манбаларидан бири биомасса ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунёдаги уму-мий энергия истеъмолининг еттидан бир қисми биомасса ҳисобига тўғри келади. Энергия ва юқори самарали органик ўғит-лар олиш учун биомасса ва биогаз техно-логияларидан фойдаланиш деҳқон ҳамда фермер хўжалиқлари фаолиятининг ис-тиқболли йўналиши экани аллақачон ўз исботини топган.

Энергияни махсус ўстириладиган кишлоқ хўжалиғи экинлари бўлган тез ўсувчи дарахтлар, углеводларга бой ўсим-ликлар (таркибидаги сахароза ва крахмални гекозаларга, сўнгга спиртгача бижитиш), гўзапопа, ёғочли ёввойи буталар, шунингдек, органик чириш хусусиятига эга чиқинди-лардан ҳам олиш мумкин.

Биомассаларнинг кимёвий таркиби уларнинг кўринишига қараб фарқланади. Одатда ўсимликлар таркибида 25 фойз лиг-нин ва 75 фойз углевод ёки сахарид мавжуд бўлади. Шу ўринда биомассадан фойда-ланиш ривожланган мамлакатларда жадал йўлга қўйилаётганини айтиб ўтиш лозим. Масалан, Швеция ва Австрия энергия ис-теъмолининг 15 фойзини биомасса ҳисо-бига таъминлайди. Швеция келажақда био-массадан фойдаланишни кўпайтириш, шу билан бирга қазилма ёқилғи турлари ҳисо-бига ишлайдиган атом ва иссиник элекстр станцияларини ёпишни режалаштирган. АКШда эса энергиянинг 4 фойзи ушбу ман-бадан олинмоқда.

Олимларнинг эътироф этишича, био-масса мамлакат энергетик талабининг 20 фойздан ортиғини таъминлай олиши мум-кин. Бу кишлоқ хўжалиғи ва озиқ-овқат махсулотлари нархини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб турган атом элекстр станцияларини алмаштиришга имкон яратади.

Ҳозирда биомассадан уйларини иситиш-дан тортиб электр энергияси ишлаб чиқа-риш ва автомобиллар учун ёқилғи олишда кенг фойдаланилмоқда.

Биомассани қўллаш юқори самара бе-риши билан бирга чиқиндиларни энергия олишга йўналтириш орқали атроф-муҳит ифлосланишининг олди олинади. Ҳозирги пайтда институтимизда ихтиро қилинган ускуналар ёрдамида биомассадан энергия олиш йўлга қўйилди. Келгусида уни янада такомиллаштириб, кенг миқёсда ишлаб чиқаришни режалаштирганимиз.

Нозимжон ЖўРАЕВ, Наманган муҳандислик қурилиш институти талабаси

Бонг!

Машҳур ҳинд сиёсий арбоби Маҳатма Ганди «Мен ўйимнинг дераза ва эшикларини маҳкам берkitиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шунинг баробарида, эшик ва деразаларимдан довул кириб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман», деган экан.

Дарҳақиқат, бугун техник тараққиётнинг жуда киска вақт ичида ҳаётимизга кириб келган «мўъжиза»ларини кузатиб, унинг чексиз имкониятларига ўзимизда эҳтиёж сезганимиз сари хавф-хатарга тўла ғоялардан ҳимояланиш ҳам зарур эканини эътироф эта бошлаймиз.

Чунки ҳозирда ахборот оқимлари шу қадар кўпайиб кетганки, ёшлар у ёқда турсин, ақлу ҳушини йиғиб олган кишилар ҳам интернетдаги хабарларнинг қайси бири тўғри-ю, қайси нотўғри эканини ажратишга қийналяпти. Жумладан, айрим кино ва мусикалар, интернетдаги минглаб сайтлар дунёқарашимиз, турмуш тарзимизга мулақоа ёт бўлган ғоялар сингишига туртки бўлмоқда. Натижада ўз маънавий ва маданий илдиэларидан узилган, фикрламайдиган, ҳаётда фақат роҳатланиб қолиш пайида бўлган, худбинлик қулига айланган манкуртлар шаклланимоқда.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида интернет ва ОАВнинг инсон онгига таъсир қилувчи, ҳатто уни маълум йўналишга буриб юбурувчи кучга айланиши «оммавий маданият» деб аталувчи иллатнинг дунё ёшлари орасида яшини тезлигида тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бундан 10-15 йиллар аввал баданига расм чизилган, йиртиқ-ямоқ, очик-сочик кийинган ҳолатда ярашмайдиган қилиқларини қилиб юрган йигит-қизларни учратмас эдик. Минг афсуски, кўчани бошига кўтариб «каҳкаҳ» ураётган қизлар тўдаси, сочини турли қўйларга солиб бўйнига занжир таққан қизил пойабзалли «йигитлар» бугунги кун манзараларининг бир қисmini ташкил этмоқда. Орияти тоғдан балинд йигитлари, ибo-ҳаёда барчага ибрат қизлари бўлган, уятдан ўлимни афзал кўрган инсонлар орасида бундайлар сони урчиб бораётгани дилини ғашлантиради.

Қарангки, дунёнинг бир чеккасида одамлар очдан ўлмаслик учун курашаётган бўлса, бошқа бурчагида тўқин-сочин ҳаёт шарофати билан жамики лаззатни татиб кўрган, барча ахлоқий ва инсоний тартиботни оёқости қилишга улгурган кимсалар алалоқибат ўз жонига қасд қилиб «савқатланмоқда».

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда ўсмирлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш-гача олиб боровчи «Кўк кит», «Тинч уй», «Покермон Го» каби «ўлим ғуруҳ»ларининг вужудга келганидан кенг жамоатчилик жиддий ташвиш ва хавотирга тушмоқда. Худкушлика чорловчи бу ўйинлар онги

хали тўлиқ шаклланимаган, мустақил фикр ва маънавий дунёқарашга эга бўлмаган ўсмирларни ўз ишонига олмақда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2016 йил Россия, Қирғизистон ва Қозғистоннинг ўзида 850 нафардан ортиқ ўсмирнинг ушбу ўйин туфайли ўз жонига қасд қилишга урингани қайд этилган.

Қақку ўз тухумини бошқа қушларнинг уясига ўғринча қўйиб, учиб кетаркан. Бундан беҳабар содда қуш тухумларнинг барига иссиқ бағрини беради. Кун келиб, палапонлар тухумни ёриб чиққанида, қақку боласи қушнинг хақиқий болаларини уядан пастга улоқтираркан.

Ижтимоий тармоқ — хатарли ҳамроҳ

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологияларини ўрмонга, ёшларимизнинг онги ва қалбини қуш уясига менгзасак, ёт ғояларни тарғиб қилиш пайида бўлган ташки қушларнинг ўша қақкулардан сира фарқи йўқ. Бунда интернет, реклама, санъат намуналари, компьютер ўйинларидаги баъзи фитнакор ғоялар қаққунинг тухуми ваэифасини ўтамоқда.

Ҳозирда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бундай тажовузга, унинг мафкуравий курул ва воситаларига қарши чора топиш ҳаракати кузатишмоқда. Жумладан, Япония, Хитой, Россия, Венгрия, Туркия, Вьетнам, Беларусь, Литва, Германия, Франция ва бошқа катор давлатларда зарарли сайтларни ёпиб қўйиш, ўқув ва тарбия масканларида мобиль телефонлардан фойдаланиш, телевидение ва кинотеатрларда зўравонлик, ахлоқсиз-

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА. ЖУМЛАДАН, БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН ЁРҚИН, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАРГА БОЙ НУТҚИДА АЙНАН ШУ ЖИҲАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ БМТНИНГ ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ: «БИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИАМИЗ — ЁШЛАРНИНГ ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ҚИЛИШИ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ЗЎРАВОНЛИК ҲОСИ «ВИРУСИ» ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДИР».


лик лавҳалари бор кино ва сериаллар намойишини таққиллашга доир қарор ҳамда қонулар қабул қилинган.

Энг муҳими, баъзи давлатларда ота-оналар бу каби чекловларни тўғри қабул қилди, ҳатто ўз боласини эски ёғоч парталар, доска, рангли бўй-у қадимий китоблар... ҳеч қандай компьютери йўқ мактабларга беришга ҳам киришди.

Масалан, «eBay» компаниясининг техник директори ўз фарзандини компьютери йўқ мактабга жўнатди. Google, Apple, Yahoo, Newlett-Packard каби машҳур компанияларнинг энг кўп пул тўланадиган ходимлари ҳам иккилашиб ўтирмасдан шундай йўл тутди.

Биз-чи? Замоनावий аёллардан бири «Менинг болам икки ёшдан планшетада ўйнашни қотиради», деб мактанса, иккинчиси «Ўғлим 7 ёшда ютубда канал очди», деб унисидан ўтиб тушмоқда. Бироқ бугунги ёшларнинг ҳулқи ва саводхонлик даражаси «замонавий ота-оналар» ўзини ўзи алдаётганини кўрсатаётди.

Миллионлаб одамлар «тухумдан чиққан» бола-



лат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳисоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этиш тақиқланган. Қолаверса, ўқув юртларида «оммавий маданият»нинг мақсад ва моҳиятидан сабоқ берувчи маънавият дарслари ташкил этиш, ёшларга китоб муталаасини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни қучайтириш белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган ёрқин, амалий таққилларга бой нутқида айнан шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, давлатимиз раҳбари БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро

Конвенциясини ишлаб чиқишни таққилф этди: «Бизнинг асосий ваэифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишди.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциясини ишлаб чиқишни таққилф этади».

Президентимизнинг БМТнинг юксак минбаридан туриб сўзлаган нутқидан аён бўлиб турибдики, ёшлар қамолоти йўлида бир оила, маҳалла, таълим муассасаси ёки мамлакатига эмас, бутун дунё қайғурмоғи, келажак авлод тарбияси учун барча бирдай

ҳаракат қилмоғи лозим.

Мухтасар айтганда, дунё ягона ахборот макониди бирлашаётган бир пайтда ахлоқий қилинларга мос тушмайдиган ҳаракатларга фақатгина томошабин бўлиш, «Дунёнинг у чеккасида экан, келажак нима?» деб бемалолчиликка берилишдан йироқ бўлмоғимиз керак. Чунки бугундан эртага қолаётган қашфиётлар ҳам, қадриятлар ҳам, аччиқ бўлса-да, бузғунчи одатлар ҳам айни замонда яшаб турган инсонларга алоқадор. Шундай экан, келажак авлодга гўзал тарих қолдириш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Гўлсум ШОДИЕВА,
журналист

Долзарб мавзу

Болага хос асар — болага мос тарбия

Катталар ва болаларнинг борлиқни қабул қилиши турлича кечади. Бола реал ифодалаб бўлмайдиган чўпчакка ишонади, бу орқали борлиқдаги ҳолатларни тасаввурига сингдиради. Шунинг учун болалар тарбиясида эзгу ғояларга етаклайдиган эртақлар, сахна томошалари муҳим аҳами-ятга эга.

Кўз билан қабул қилинган маълумот хотирада мустаҳкамроқ ўрин эгаллаш ҳақида кўп эшитганмиз. Демак, болаларнинг борлиқни қандай қабул қилиши ва унга қандай жавоб қайтарилишини кўз билан боғлиқ маълумотлар орқали сингдирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга қўғирчоқ ёки ёш томошабинлар театрларида намойиш этилаётган спектаклларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Одатда спектакллар муайян ғояга хизмат қилади. Томошабин ғояда кўзда тутилган фикр ортдан эргаштирилади. Бу максидан амалга ошириш учунчилик ҳам осон кечмайди. Чунки бола спектаклдаги ҳар бир детални назардан четда қолдирмай «ҳазм» қилади. Ҳар бир элементга ўзича изох қилиради. Сўнгра уларни жамлаган ҳолда ҳулоса чиқаради. Агар бу ҳулосалар биз кутган ғояга эргаштирувчи бўлса, бу спектакл биз ижодкорлар ютуғи. Лекин ақсинча бўлса-чи?

Бола спектаклдан тўғри ҳулоса чиқариш ўрнига ижобий қаҳрамонга ишончсизлик қайфияти ёки бирор қаҳрамоннинг ташқи кўриниши муҳокамаси билан боғлиқ ҳаёллар сурса, балки сахна жиҳозларидан бирининг қандай бўюмчилиги ҳақида бош қотириш билан банд бўлиб қолса, спектакль ижодкорлари кўзланган мақсадга эриша олмайд. Шунинг учун режиссёрдан ҳам аввал, сахна асари

муаллифи бу ҳақда чуқур мулоҳаза билан манзарани тасвирлаш керак. Иккимиз даражасида муаллиф, яъни болалар драматурги эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

Уларнинг биринчиси қаҳрамонлар сўзлашув тилидир. Бола психологиясида катталар томонидан айтилган гап насихат, сўзлар фақат катта қатламга тегишли-ю, ўзи қаби болаларга тегишли эмасдек идрок қилинади. Шу ўринда сахнада сўзланаётган катталар тилидан айтилаётган гаплар улар учун томошабин бир бўлагина бўлиб қолаверади. Телеэкран орқали намойиш этилган мультфильмларни томоша қилаётган боланинг нигоҳини эсланг: у бор вужуди билан унга «сингиб» кетади. Чунки мультфильм қаҳрамонлари эрқаланганамо оҳангда сўзлайди-да. Сахнада ҳам шундай. Агар ҳар бир қаҳрамон болаларга қос бўлган сўзлардан фойдаланса, томошабин қаторидида оддийгина бир қаҳрамон сифатида ўзини тутса, эринчоқлик, эпиччилик, йиғлоқчилик, эрқатойлик қаби болаларга хос ҳислатларга эга бўлса, сахнадаги қаҳрамоннинг табиийлиги ошади. Уни томоша қилаётган бола сахнада ўзини, дўстини, укасини кўра бошлайди. Пўлат Мўминнинг «Ковоквой» ҳақидаги сахна асари ҳозир ҳам кўпчиликнинг ёдида эканининг сабаби ҳам шунда. Унда Ковоквой ролига шундай тил берилганки, беихтиёр бугун томошабин барава-рига унинг устидан қулаган. Унинг эринчоқлик-

ларида ўзининг иллатларини кўрган.

Иккинчидан, қаҳрамонга муаллиф томонидан бериладиган ҳарактер ҳам болаларга хос бўлиши лозим. У бирор бир ҳайвон қиёфасида бўладими, ёки оддийгина болами, бу қаҳрамонга катталар драматургиясидек мураккаб ҳарактер бериб бўлмайди. Болаларга қаҳрамоннинг ҳарактери ёрқин бўлгани бу қаҳрамонни тўғри баҳолаш олинишига хизмат қилади. Спектакль аввалидан томошабин болада та-рафқашлик туйғусини уйғота олиши керак. Бу туйғу болага ўзи тарафини олаётган қаҳрамон билан баробар курашишга, асар сўғида эса ижобий қаҳрамон қамол топаганидек бола ҳам гўё рағбат топиши керак. Шунда ёш томошабин ҳаётда ҳам ана шу қаҳрамон қаби бўлишга интилади. Бу эса муаллиф қўзлаган мақсадида эришди, деганидир.

Учинчидан, сахна беэаги ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаслиги керак. Сахна беэаклари илоҳи борича воқеалар ривожига ўз ўрнини ўзғартириб туриши, бирининг ўрнига бошқаси алмашилиши воқеа жойининг ўзгарганини янада яққол ифодақлайди. Одатда сахна муаллифлар томонидан қиска макон номи билангина ифодаланди. Бунинг оқибатида режиссёр ҳар хил ранглар қоршимасидан қабар беэакларни ёқуд спектакль сўғиғига идор ўз жойини ўзгартирмайдиган жиҳозларни сахна беэакчисидан талаб қилади. Чунки бу усулда сахна беэзатиш бирмунча осонроқ, деб ҳисоблашади. Бироқ, болани эриктирмаслик учун жиҳозлар, беэаклар ва ранглар тез-тез алмаштириб турилиши, бола уй эшиги билан мактаб эшигини ёқуд стул билан дарахт тўнкасини битта деб билмаслиги керак. Шунинг учун муаллиф сахна кўринишига алоҳида тўхталиши, режиссёр ҳам бунини эътибордан четда

қолдирмаслиги яна бир муҳим жиҳатдир.

Тўртинчидан, ария ваэифасини бажарувчи қўшиқлар спектақлининг янада жонли чиқишини таъминқлайди. Бу қўшиқлар ариядан фарқли ўлароқ, қаҳрамон ҳис-туйғуларини ифодалақгина қолмай, таништирув, мазаҳ қилишлар, ваэиятни ифодалаш қаби ҳар томон-да томошабинда қувноқ ёки ачиниш қайфиятини келтириб чиқаришга хизмат қилади. Бунда муаллифдан қаҳрамон ҳарактери, ваэият, ҳаракатлар ақс этган қисқатгина қўшиқ матнларини ҳам пьесада келтириш талаб қилинади. Қўшиқ ҳам тушунарли, ҳам қиска бўлиши лозим. Қўшиқ давомийлиги меэьёрдан ошиши болада эриқиш, диққат бўлиниши, аввалги воқеаларни эсдан чиқариш, қўшиқ матнига эътибор бермаслик қаби салбий муносабатларни келтириб чиқаради.

Қатта ёшдаги томошабин учун сахна асарини дунёга келтириш ёш томошабинлар учун асар ёнишдан кўра енгилроқ. Чунки ёшувчи, албатта, катта ёшда бўлиб, қуни кеча ғувоҳи бўлган ҳодисаларни сайқаллаб қозғога тушириши билан ёшлиқ, болалик палласига қайтиб, болалар билан тилишиб, ундан кейин воқеани қозғога қоралаш ўртасида улкан фарқ бор. Болалар драматургининг ўзиниғина шундай улкан ваэифалар қонулар экан, биргина шу драматург мисолида болалар спектақлари ижодкорларининг олдида қандай масъулият турганини фаҳмлаш қийин эмас. Келажак авлод тарбиясига дахлдор ижод билан шугулланаётган ҳар бир ижодкор оддийгина сахна асарни эмас, келажак авлодни тарбияловчи асар яратётганлигини унутмаслиги ҳам қасб талаби, ҳам виждон амридир.

Моҳиэадаф УБАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзДСМИ магистранти

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРГИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТБ «ASIA ALLIANCE BANK» ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фирона шахри АТБ «ASIA ALLIANCE BANK» филиали учун бино қурилиши»
Бошланғич нархи: 7 460 723 491 сўм ККК билан; 6 217 269 576 сўм ККК сиз.

Муддати — 11 ой.
Қурилиш-монтаж ишлари: АТБ «ASIA ALLIANCE BANK»нинг ўз маблаглари ҳисобидан мошқиллаштирилади.

Маълумот: Тошкент шаҳар, Мاستурмул қўшас 2А, тел.(371) 231-60-00, факс.(371) 289-55-33.
Талобдор софитдан иштирок этётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шарҳларга мос қониллари қарас: ўқилиш объектларини қуриш бўйича таърибни беришти, етарли қасбий ва техниканй малакага, объект қилин-тининг қамида 20% индустрия айланима маблагини (таърибдаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бўлиб маблагларни тақдим қилишга бале қафолатномаси маққудлигини, молиявий имкониятларга, илгич қуни ресурсларига, шартнома тузишга баъбатан қаридан ҳуқуқига эга ва индончи бўлишлари шарт.

Тиллов савдосларида маълумотларни ва чет-иш қурилиш ташкилотларни қатнаштиришда, уларнинг тиллов ташкифларини баҳолашда маълумотларни пурқаровчилик қилишга илгич преференцияларга эътиборга олинад: қонуи ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қурилиш қиймат сониндан ошад қилинадиган товарлар (қилиш, ҳизматларини импортига етакчи бериладиган тиллов таққиллари қатнашчиларининг тиллов ташкифларини баҳолашда қўрсатиб ўтигани соник суммаси қўшамча равишда ҳисобга олинад.

Савдога қатнашиш ва тиллов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фирона шохри «ASIA ALLIANCE BANK» филиали билан савдо шартномаси қилиш шарт.

Фирона шахри, Ал-Фироний кўчаси 36-уй, телефон:факс: (737)244-68-90 (92), 98-276-25-48

Тиллов ҳужжатларининг бир тўламини нархи — 120 000 сўм.
Тилловлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қонундордан мангидла оферталарини очини қуни ва ваэитига қабул қилинади.

Тилловлар очилиши қуни ва ваэити баэирнома орқали маълум қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧК 2018 йил март ойида ўтқазилган очиқ аукцион савдolari натижаларини маълум қилади!

1. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ҳасановий кўчилиги, «Н.Обидов» агрофирмаси ҳудуди «QAMAR BIZNESS» МЧК дан зақирла сонинг 99 ва 135к-контурларига жойлашган жами 5,74 га, шундан 4,0 га ер май-донига жойлашган «Богзор» ва 1,67 га ер майдонига жойлашган «Узукор». Бошланғич баэас — 13 254 800 сўм. Сотқисли баэаси — 14 900 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Юнусов кўхудди, «Ўуооммахуду бирас» агрофирмаси ҳудуди «SLEKTA AGRO FAYZ» МЧК тегишли жами 17,23 га ер майдон, шундан 16,25 га боэирини бир қисми, яъни 3,12 га ер майдонига жойлашган 2000 туи олма дарахтларидан иборат «Богзор». Бошланғич баэас — 14 498 945 сўм. Сотқисли баэаси — 16 900 000 сўм.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧК маълум қилади!

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧК «Shoncho» фермеризациянинг 27.03.2018 в 36(406) «сонда эълонга берилган «ДО РАМОН-АЛМЕДОВ РАВШАН БОС» фермеризациянинг тендиси «Богзор», сотуви-нинг 29.03.2018 йилдан №10-сонли ҳатмаси савлодан олиштирилгани маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни 147-40-00 телефон рақами орқали сонининг мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Мирзо Узунов тумани ягона дарча маркази томонидан 22.07.2015 йилда реестр №009987-04 рақам билан ривқатдан ўтган «САНП РАМОН-АЛМЕДОВ РАВШАН БОС» фермеризациянинг тендиси «Богзор», сотуви-нинг 29.03.2018 йилдан №10-сонли ҳатмаси савлодан олиштирилгани маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Утегла тумани Ер тузиш ва қўшма мулк қадаслини давлат қорқосини томонидан нотурир жой учун берилган Утегла тумани ҳақ таълини бўлини таэаруфидан 129-сонли мактабинг қадасар ҳуж-жатлари (реестр рақами: №1-102008) ишқилигини сабаб беэор қилинади.

Тошкент шаҳар, Утегла тумани Ер тузиш ва қўшма мулк қадаслини давлат қорқосини томонидан нотурир жой учун берилган Утегла тумани ҳақ таълини бўлини таэаруфидан 129-сонли мактабинг қадасар ҳуж-жатлари (реестр рақами: №1-102008) ишқилигини сабаб беэор қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

7339 8330-0003

7339 8330-0003

Бош муҳаррир:
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиланган, таҳлилий, таққидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саққиланади.

«Shang» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди.

Қорқона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахриратий ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001.
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи қўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахрират нўқтан назаридан фарққилиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Тошев
Навбатчи:
С. Ҳайдаров
Мусаҳҳиш:
С. Шодиева
Саққилловчи:
Ҳ. Абдуқалилов
Босишга таъдирлиш вақти: — 00:10
Тошқилриди: — 01:20
1 2 3 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.